Ватанимиз тарихи ўзбек давлатчилиги тараккиёти бир текисда ўтмаганлиги, унинг ривожида зафарли ва инкирозли даврлар бўлганидан гувохлик беради. Сохибкирон Амир Темур асос солган салтанат энг йирик ва кудратли давлат бўлганлиги жахонга маълум. У ўз ворисларига нафакат кудратли давлатни, шунингдек, салтанат куриш ва давлатни бошкариш конун-коидалари баён этилган машхур тузукларни колдирган эди. «... Фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг хар бири,- деб ёзган эди у ўзининг тузукларида,- унга мувофик иш юритсин... Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошкаришда кўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай». Аммо унинг дастури ва васиятларига амал килинмади. Тахт, хокимият илинжида авж олган ўзаро ва ички кураш, жангу жадаллар давлатни заифлаштириб, мамлакатни инкирозга ва парокандаликка олиб келди.

Бухоро хонлиги

XVI аср бошларида заифлашиб бораётган темурийлар салтанатига Дашти Кипчок томондан кўчманчи ўзбеклар давлати хукмдори Мухаммад Шохбахт Шайбоний хужуми бошланди. Шайбонийхон 1500-1501 йилларда Самарканд ва Бухорони, 1504 йилда Хисор вилоятини, 1504-1505 йилларда Урганчни, 1506-1507 йилларда Хуросон пойтахти Хирот хамда Балхни, шунингдек, Марв, Астробод ва Нишопур шахарларини забт этди. Тошкент, Фаргона, Сирдарё ва Хоразм ерлари Афгонистоннинг Кандахор, Заминдовур вилоятлари эгалланди ва Мухаммад Шайбонийхонга карам бўлиб колди. Шайбонийхоннинг Хуросондалигидан фойдаланган козок султонлари Мовароуннахрга бир неча марта бостириб кириб, уни талон-тарож киладилар. 1506-1509 йилларда Шайбонийхон Хуросондан кайтиб келиб, козок султонларига зарба беради ва Дашти Кипчок ичкарисига кувиб боради. Бу юришлар натижасида Сигнок, Ясси, Саврон шахарлари кайта кўлга киритилади. Шундай килиб, Мовароуннахр ва Хуросон бирлаштирилди ва Шайбонийлар сулоласи хукмронлиги карор топди. Мухаммад

Шайбонийхон «Имом уз-замон, халифат ур-рахмон» унвонини олиб ўз кўлида дунёвий ва диний хокимиятни бирлаштирди.
Шайбонийхон жанубда Эроннинг ички вилоятларига юриш килади. Машхад ва Тус шахарларини эгаллаб оркага кайтади. Эрон шохи Исмоил Сафовий катта кўшин билан етиб келади. Шайбонийхон Мовароуннахрдан ёрдамчи кўшинлар келишини кутмасдан жангга киришга мажбур бўлади. 1510 йилда Марв якинида бўлган жангда Шайбонийхон кўшинлари енгилади, хоннинг ўзи хам халок бўлади. Тахтга Шайбонийхоннинг амакиси, Мирзо Улугбекнинг кизи Робия Султон бегимнинг ўгли Кўчкунчихон (1510-1530) чикди. Бирок шайбоний султонлар, беклар жипслашиб Исмоилшохга карши курашиш ўрнига Шайбонийхон тириклигидаёк суюргал сифатида таксимлаб берилган вилоятлар ва ерларга эгалик килиш билан ўралашиб колдилар, улар ўртасида ўзаро келишмовчилик, зиддиятлар авж олди. Бундан фойдаланган Исмоилшох тез орада Хуросон ва Хоразм ўлкаларини, Шимолий Афгонистонни босиб олди. Пойтахти Самарканд бўлган Мовароуннахрда эса шайбонийлар хукмронлиги сакланиб колди.
Мовароуннахрда 100 йилгача давом этган Шайбонийлар даврида хам тинчлик бўлмади, киргинборот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди. 1512 йилдан бошлаб Бухоро вилояти ноиби бўлиб келган Убайдулло султон 1533 йилда Шайбонийлар давлатининг Олий хукмдори этиб кўтарилди. Убайдулла султон Самарканддаги Кўчкунчихон авлодлари каршилиги сабабли олий хокимиятни Бухорода туриб бошкаради ва Бухорони давлат пойтахти деб эълон килади. Шайбоний Убайдуллахон (1533-1539) даврида Бухоронинг мавкеи хам сиёсий, хам иктисодий жихатдан кучайди. Аммо таркоклик давом этарди, Мовароуннахр XVI аср ўрталарида хам мустакил хокимликлардан иборат эди. Бухорода Абдулазизхон, Самаркандда Абдулатифхон хукмдор эдилар.
Таркокликка бархам бериш, мамлакатни бирлаштириш долзарб бўлиб турган бир пайтда Абдулла султон майдонга чикди, уни катта мавкега эга бўлган жуйбар шайхлари кўллаб-кувватлади. Абдуллахон Бухоро тахтини эгаллайди. Абдуллахон (1557-1561 йилларда амакиси Пирмухаммад, 1561-1583 йилларда отаси Искандархон олий хукмдор деб эълон килинган бўлсада, амалда хукмдор Абдуллахон эди). 1557 йилда Бухорони давлат пойтахти, мамлакатнинг сиёсий-маъмурий марказига айлантиради. Шу боисдан давлатнинг ўзи хам Бухоро хонлиги деб аталадиган бўлди.
Абдуллахон сиёсий узок йиллар уруш олиб бориб, 1573 йилда Фаргонани, 1574 йилда Шахрисабз, Карши, Хисор вилоятларини, 1578 йилда Самаркандни, 1582 йилда Тошкент, Шохрухия, Охангарон ва Сайрамни, 1583 йилда Балхни, 1584 йилда Бадахшонни, 1588 йилда Хиротни, 1595 йилда Хоразмни забт этиб, мамлакатни бирлаштириш ишини уддалади, Бухоро хонлигини кучли ва марказлашган давлатга айлантирди. Бирок ички НИЗО, адоватни бартараф этолмади. Ганимлар Абдуллахонга карши унинг ўгли Абдулмуминни кайрайди, Абдуллахон билан унинг ўгли Абдулмўмин ўртасида тахт масаласида келишмовчиликдан фойдаланган козок хонларидан Таваккалхон Тошкент вилояти ерларига бостириб киради. Унга карши сафарга отланган Абдуллахон Самаркандга етганда вафот этади. Абдуллахон ўрнига тахтга кўтарилган Абдулмўмин 6 ойча хукмдор бўлди, у отасининг амирларидан бири-Абдулвосеъ томонидан отиб ўлдирилди. Тахтга чиккан сўнгги Шайбоний Пирмухаммад хам 1601 йилда Самаркандда Боки Мухаммад билан бўлган жангда халок бўлди. Шайбонийлар сулоласи бархам топди.

Шайбонилар Сулоласи (1500-1601)

Мухаммад Шайбонихон -1500-1510
Кўчкунчихон -1510-1530
Абу Саидхон -1531-1533
Убайдуллахон -1533-1539
Абдуллахон I -1539-1540
Абдулазизхон (Бухорода) -1540-1550
Абдулатифхон (Самаркандда) -1540-1551
Наврўз Ахмадхон (Барокхон) -1551-1556
Пирмухаммадхон I -1557-1561
Искандархон -1561-1583
Абдуллахон II -1583-1598
Абдулмўминхон -1598-1599 (6 ой)
Пирмухаммадхон II -1599-1601

1601 йилдан эътиборан Бухоро хонлигида хокимият аштархонийлар (Жонийлар) сулоласи кўлига ўтади. 150 йилча (1601-1753) хукмронлик килган Аштархонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлигида тинчлик, осойишталик бўлмади. Хонлик вилоятларида хукмронлик килувчи амирлар ва бекларнинг ўзбошимчалиги, марказий хокимият амалдорлари ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, ур-йикит мамлакат тинкасини куритиб борарди. Буни Аштархонийлар сулоласидан Бухоро тахтига кўтарилган ўнта хондан иккитасининг тахтдан агдарилгани, тўрттасининг тахт устида ўлдирилгани хам яккол кўрсатади.

Аштархонийлар сулоласи (1601-1752)

Боки Мухаммад
Вали Мухаммад
Имомкулихон
Нодир Мухаммадхон
Абдулазизхон
Субхонкулихон
Убайдуллахон
Абулфайзхон
Абдулмўмин (сохтахон)
Убайдулла султон (сохтахон)

Бухоро амирлиги
Бухоро давлатининг заифлашиб колганлигидан фойдаланган Эрон шохи Нодиршох XVII асрнинг 30-40-йилларида Бухоро хонлигига юриш килади. Нодиршох Бухоро хонлигида катта мавкега эга бўлган мангит уругидан чиккан оталик Мухаммад Хакимбий билан шартнома тузади ва у Бухоро хонлигининг олий хукмдори деб тан олинади. Абулфайзхон амалда хокимиятдан четлатиб кўйилади, Хакимбий Бухоронинг тўла ваколатли хокими этиб тайшшанади. 1743 йилда Хакимбий, унинг ўгли Мухаммад Рахим Нодиршох хизматига киради. Нодиршох 1747 йилда вафот этгач, Мухаммад Рахим хокимиятни ўз кўлига олишга киришади.
Бухоро хонлигида катга нуфузга эга бўлган мангит кабиласининг вакили Мухаммад

Рахим 1747 йилда Абулфайзхонни, сўнгра расман хон деб (сохта хон) эълон килинган унинг ўгиллари Абдулмўмин ва Убайдулло султонларни ўлдириб, хокимиятни ўз кўлига олади. Мухаммад Рахим 1756 йилда тахтга ўтириб, ўзини Бухоро амири деб эълон килади ва хокимиятни мустакил идора килади, Мангитлар сулоласига асос солади. Шундан эътиборан Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб атала бошланди. Амирликда хокимият 1920 йилгача Мангитлар сулоласи кўлида бўлди.
Мухаммад Рахим хукмронлигини беклик-вилоятлардаги бошка кавмлардан бўлган хокимлар тан олмадилар. Амир мангитларга таяниб хокимиятни марказлаштиришга интилди. Барча кабилаларнинг хукмдорларини Бухорога йигиб, улардан марказий хокимиятга бўйсунишни талаб килди, акс холда катгик жазоланиши хакида огохлантирди. Вилоятлардаги кўпгина хокимлар, бебош амалдорлар хокимиятдан четлаштирилиб, ер-мулки тортаб олиниб бошка жойларга кўчирилди. Улар ўрнига амир кабиладошларидан тайинланди. Мухаммад Рахим Бухоро минораси ёнидаги ўз кароргохини махсус курдирган Аркка кўчирди. Ўзбошимча бекларни Аркка чакириб каттак жазолади. Таркокликни бартараф этиш максадида кўпгина бекликларга - Самарканд, Жиззах, Ўратепа, Хисор, Бойсун, Шахрисабзга карши конли урушлар килди, кўпгина вилоятлар вайрон бўлди. Мухаммад Рахим Нуротада истикомат килувчи бургут кабиласи кўзголонини бостириб, уларнинг харбий истехкомларини бузиб ташлаб, ўзларини Бухоро туманига кўчирди. Миёнкалъа кипчокларига хужум килиб, истехкомларини бузиб ташлайди, йўлбошчиларини катл этиб, колганларини кўчириб юборади.
Мухаммад Рахим вафотидан кейин ўзаро урушлар янада кучайди. Вилоят хукмдорлари мангитларнинг марказий хокимиятига карши кўзголонлар кўтарди.
Кенагас, юз, бахрин, бургут, сарой кабилаларининг кўзголонлари, хокимиятга ўтирган Дониёлбийнинг уларни бостириш учун килган урушлари минглаб одамларнинг ёстигини куритди. Дониёлбий кўшинлар харажати учун кўшимча соликлар жорий этиб ахоли норозилигини оширди. Бухоро хунармандлари ва тижорат ахди 1784 йилда кўзголон кўтарди. Кўзголонни бостириш жараёнида минглаб одамлар курбон бўлди.
Амир Маъсум («бегунох амир») деб ном олган Шохмурод (1785-1800 йиллар) таркокликка карши курашни давом эттирди. Амир Шохмурод бошкарув тартибини ўзгартириш, амалдорлар таркибини янгилаш чораларини кўрди. Амир икки йирик давлат арбоби - Давлат кушбеги билан Низомиддин козикалонни сарой, кўшин ва бошка сохадаги амалдорлар хузурида ўз кўли билан ўлдирди. Соликларни тартибга солди. Бухоро ахолисига тархан ёрлигини топширди. Унга биноан ахоли савдо даромадидан бож тўлашдан, хунармандлар пул йигимидан, мажбурий мехнат ва соликлардан озод этилди. Шунингдек, хирож, никох пули, тарози хаки ва бошка йигимлар микдори камайтирилди. Шохмурод даврида Бухоро амирлиги нисбатан мустахкамланган бўлсада, ўзаро урушлар тўхтамади. Гарбий чегараларда эса Хива хони кўшинлари хужумга ўтар, экинзор ва боглар пайхон килинар, кишлоклар вайрон бўлар, одамлар ва чорва моллар хайдаб кетилар эди.

Хива хонлиги

Хоразм XV аср охири - XVI аср бошида темурий Султон Хусайн Бойкаро бопшик давлагнинг бир кисми эди. 1505 йилда Мухаммад Шайбонийхон кўшинлари Хоразмни эгаллади ва кўнгирот уругидан Кепакбий Хоразмга хоким этиб тайинланади. Эрон шохи Исмоил билан жангда Мухаммад Шайбонийхон халок бўлгандан кейин Хоразм

Исмоилшох томонидан забт этилади. Исмоилшох Хоразмни ўз давлати тасарруфига киритгач, Вазир, Урганч ва Хива шахарларини бошкариш учун 3 та доруга (хоким) тайинланади.
Хоразмда Исмоилшох хукмронлиги узокка бормади. Хоразмда Исмоилшох хукмронлигига карши харакат бошланди. Бу харакатга Вазир шахри козиси Умар кори ва Сайид Хисамиддин етакчилик килди. Улар Шайбон авлодидан бўлган Берка султоннинг ўгли Элбарсхонга мурожаат килиб, хон бўлишни таклиф килдилар. Элбарсхон 1511 йилда кўшин билан келиб Вазир, Урганч, Хива, Хазораспни Исмоилшох кўшинларидан тозалади, Хоразмда Элбарсхон хокимияти ўрнатилди. Шундай килиб, 1511 йилда мустакил Хива хонлиги ташкил топди, Элбарсхон унинг биринчи хони бўлди. Хивада шайбонийлар сулоласи хукмронлиги 1770 йилгача давом этди. Хива хонлиги пойтахти Урганч эди. XVI аср охири - XVII аср бошларида Амударё ўзанининг ўзгариши муносабати билан Урганчнинг мавкеи пасайди, ахолиси кулайрок жойга кўчиб бориб жойлашади ва бу ерда Янги Урганч шахри пайдо бўлади. Бу орада Хива шахрининг мавкеи кўтарилади. 1556 йилда Аванешхон Хивани давлат пойтахти деб эълон килади, бирок у ўз хукмронлигини факат Хивадагина ўтказа олар эди. Араб Мухаммадхон (1602-1623) даврида Хиванинг мавкеи кучайиб, хонликнинг расмий пойтахтига айланди. Хива хонлиги тасарруфига Амударё куйи окимидаги вохалар, Мангишлок, Дахистон (Машхад) ва Ўзбой атрофидаги кўчманчи туркман худудлари кирарди. Бирок, хонликда тинчлик бўлмади. Узок йиллар давомида хонлик тепасида турган ўзбек кабилалари билан туркман кабилалари ўртасида, шунингдек, шахзодалар ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб турди. Хива ва Бухоро хукмдорлари ўртасида Мургоб дарёси бўйлари учун, Марв учун киргинборот урушлар бўлиб турар, бу худудлар кўлдан-кўлга ўтарди. Хонликка шимолдан калмоклар, козоклар, Урал казаклари тез-тез хужум килиб фалокатлар келтирарди. XVII аср ўрталарида Эрон шохи Нодиршох, унинг ўгли Насрулло Хива хонлигини босиб олиб, ўз бошкарувини ўрнатди, туркман кабилаларини Хоразмдан Хуросонга кўчирди. Бирок Хива хонлигида тинчлик бўлмади. Эрон хукмдорларига карши тез-тез галаёнлар бўлар, ахоли боши оккан томонга кетарди. Шундай вазиятда хонликдаги ўзбек кабилаларидан Кўнгирот уругининг бопшиги Мухаммад Амин инок 1770 йилда хокимиятни кўлга олди ва Хива хонлигида янги сулола - Кўнгирот сулоласига асос солди (бу сулола 1920 йилгача хукм сурди).. Мухаммад Амин Инок туркманлар кўзголонини бостирди, Бухоро хукмдорининг хужумини даф этди ва Хива хонлигидаги вилоят хокимларини марказий хокимиятга бўйсундирди.

Кўкон хонлиги

Бухоро хонлигидаги ички курашлар, марказий хокимиятнинг заифлашуви сабабли, у XVII аср бошларида иккига бўлиниб кетди. Аштархонийлар хукмронлигининг заифлашуви окибатида Фаргона водийсига унинг шимолида ташкил топган Жунгарлар давлати тез-тез бостириб кирадиган, талон-тарож киладиган бўлиб колди. Бундай вазият Фаргонадаги ички кучларнинг бирлашувига, мустакил давлат тузишга интилишини кучайтирди. Фаргона водийсининг худудий яхлитлиги ва иктисодий имкониятлари, унинг Бухоро хонлигидан ажралиб чикишга кулай омил бўлиб хизмат килди.
Чуст якинидаги Чодак кишлогида яшовчи хўжалар жамоаси (дин пешволари)нинг мавкеи XVIII аср бошларидаёк Фаргонада анча кучайиб, 1709 йилда ўз ер-мулкларини мустакил деб эълон килади ва водийда хокимиятни кўлга олишга интиладилар. Бирок уларнинг хокимияти бошка кабилалар томонидан тан олинмади. Бир гурух харбий зодагонлар

Риштонда кўзголон кўтариб, Фаргона хокими Хўжа Аширкулни ўлдирадилар.
1710 йилда Кўкон атрофида яшаб турган ўзбек кабилаларидан бири - минглар ўз етакчиси Шохрухбийни хокимият тепасига кўтарадилар. Шу тарика, Кўкон хонлиги ташкил топди, ўзаро ички курашлар боткогига ботиб колган Бухоро хони Убайдуллахон ўзига карашлли худуднинг ажралиб чикиб, алохида давлат тузишига каршилик кўрсатолмади. Кўкон хонлигида минг кабиласи сулолалари 1876 йилгача хукмронлик килди. Кўкон шахри четида жойлашган Тепакўргон Кўкон хони Шохрухбийнинг кароргохига айлантирилди. Тепакўргонда мустахкам калъа, бозор ва ахоли яшайдиган махаллалар курилди.
Кўкон хонлари Фаргона водийсини, Хўжанд, Ўратепани бирлаштиргач, Кўкон хонлигининг мустакиллиги XVIII аср ўрталарида Бухоро давлати томонидан тан олинди. XVIII аср охирларида Кўкон хонлари Тошкентни бўйсундиришга киришдилар.
1784 йилда Шайхонтохур дахаси собик хокимининг ўгли Юнусхўжа Тошкентни Бухоро тобелигидан чикариб, мустакил сиёсат юритарди. Тошкент беклиги ўзига хос бошкарув тизимига эга эди. Юнусхўжанинг тўрт маслахатчиси бўлган. Тошкент шахар назорати ва солик йигиш Бошхўжанинг кўлида бўлиб, савдо-сотикни кози ва девонбеги назорат килишган. Шариат конун-коидалари, нарх-наво, ўлчовлар устидан Раис лавозимидаги амалдор назорат кижан. Юнусхўжа XVIII аср охирларида козок султонлари хужумларини бартараф этиб, Сайрам, Чимкент, Туркистон, Курама, Корабулок шахарларини Тошкентга бўйсундирган эди. Тошкент беклиги мавкеининг ошиб бориши Кўкон хонларига ёкмади. 1799 йилда Кўкон хукмдори Норбўтабий Тошкента юриш килди, аммо Чирчик бўйидаги жангда маглубиятга учради.
1805 йилда Кўкон хукмдори Олимбек хон унвонини кабул килади ва шу пайтдан эътиборан Фаргонада ташкил топган давлат расман Кўкон хонлиги деб атала бошланди. Юнусхўжа вафотидан кейин Кўкон хони Олимхон кўшинлари юриш килиб, 1809 йилда Тошкентни ва унга карашли Чимкент, Сайрам ва бошка худудларни Кўкон хонлигига бўисундиради. Кўкон хонлиги худудий жихатдан йирик давлатга айланди.
Шундай килиб, асрлар давомида ягона худудда, ягона иктисодий ва маданий маконда яшаб келган халк, мамлакат уч кисмга бўлиниб кетди. Учта давлат - Бухоро амирлиги, Хива ва Кўкон хонликлари вужудга келди.